Корхоналар ва ташкилотлар фаолиятининг умумий таърифи

(фермер ва деҳқон хўжаликларисиз)

Корхоналар ва ташкилотлар ягона давлат регистри маълумотларига кўра, 2017 йилнинг 1 июль ҳолатига рўйхатга олинган юридик шахслар сони 60195 тани ташкил қилиб, шундан 59075 таси ёки 98,1 фоизи фаолият кўрсатмоқда.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича рўйхатга олинган корхона ва ташкилотларнинг асосий қисми саноат 11701 та (19,4 фоизи), савдо 11473 та (19,1 фоизи), яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар 4541 та (7,5 фоизи) ва қурилиш 4242 та (7,0 фоизи) соҳаларига тўғри келади.

2017 йилнинг 1 июль ҳолатига рўйхатга олинган ҳамда фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар иқтисодий фаолият турлари бўйича қуйидагича тақсимланади:

	Рўйхатга олинганлар		Фаолият кўрсатаётганлар	
	бирлик	якунга нисбатан фоизда	бирлик	якунга нисбатан фоизда
Жами	**60195**	**100**	**59075**	**100**
шу жумладан:				
қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	577	1,0	568	1,0
саноат	11701	19,4	11548	19,5
қурилиш	4242	7,0	4159	7,0
савдо	11473	19,1	11219	19,0
ташиш ва сақлаш	2604	4,3	2578	4,4
яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	4541	7,5	4423	7,5
ахборот ва алоқа	2102	3,5	2058	3,5
соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш	1244	2,1	1234	2,1
бошқа фаолият турлари	21711	36,1	21288	36,0

Рўйхатга олинган корхоналар умумий сонининг 95,2 фоизи нодавлат мулки шаклидаги корхоналар, шундан 13,8 фоизи хусусий корхоналар, 5,8 фоизи чет эл сармояси иштирокидаги корхоналар, 0,4 фоизи акциядорлик жамиятлари, 75,2 фоизи бошқа корхоналар улушига тўғри келди.

Рўйхатга олинган хўжалик юритувчи субъектлар-юридик шахслар мулкчилик шакллари бўйича қуйидагича тақсимланади:

1 июль ҳолатига,
умумий сонига нисбатан фоиз ҳисобида



2017 йил январь-июнда жами 5818 та янги корхона ва ташкилотлар рўйхатга олинган (шундан кичик бизнес субъектлари–5550 та). Уларнинг асосий қисми Чилонзор (Тошкент шаҳри бўйича рўйхатга олинган жами корхона ва ташкилотларнинг 13,7 фоиз), Юнусобод (12,4 фоиз), Мирзо Улуғбек (12,4 фоиз), Шайхонтохур (10,6 фоиз), Олмазор (10,3 фоиз), Учтепа (9,3 фоиз) туманларига тўғри келди.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича янги рўйхатга олинган корхона ва ташкилотларнинг 27,1 фоизи саноат, 17,4 фоизи савдо ва 10,1 фоизи қурилиш соҳаларига тўғри келади.

Ҳисобот даврида 2016 та корхона ва ташкилотлар фаолияти тугатилган бўлиб, улардан 299 таси (жами фаолияти тугатилганларнинг 14,8 фоизи) ихтиёрий тугатилиш тартибини қўллаш орқали тугатилган.

2017 йил январь-июнда иқтисодий фаолият турлари бўйича маҳсулот ишлаб чиқаришда ҳамда аҳоли бандлиги бўйича давлат ва нодавлат секторларининг нисбати қуйидагича ифодаланади:

умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида